

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022/329 - сонли

Тошкент вилояти.

"05" октябр 2022 йил

“Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги ўринда “буюртмачи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Нурматов Баҳтиёр Баҳромжонович** бир томондан ва **Янгийўл ТИФУК** (кейинги ўринларда “пудратчи”) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **Махмудов Мирзаниёз Мирзаилисович** иккинчи томондан, бюджет маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти **Янгийўл шаҳар Ишчилар шаҳарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш** (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ти 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 154211) эълон қилинган ва “Тошкент вилояти миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 01 октябреги баённомасига асосан кўйидаги шартномани туздилар:

## I. ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргалиқда объект жорий таъмирлашга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига ажратилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

## II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича объектда жорий таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса *пудратчига* жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида қабул килиш ва молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблаг таъминланиши билан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. *Буюртмачи* томонидан молиялаштирилаётган қурилиш нархи тасдиқланган манзилли дастурда ажратилган маблағ бўйича аниқланади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда шартноманинг умумий қиймати **ҚҚС билан 93 162 148 (Тўқсон уч миллион бир юз олтмиш икки минг бир юз қирқ саккиз) сўм**, шундан **ҚҚС 12 151 585 (Ўн икки миллион бир юз эллик бир минг беш юз саксон беш)** сўмни ташкил этиб, мазкур маблағ молия бошқармаси томонидан ажратилгач 3 кун муддатда тегишли тартибда молиялаштириш жадвалига асосан пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш назарда тутилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисбланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича *пудратчи* шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хulosаси асосида амалга оширилиши мумкин;

-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари *Пудратчи* томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда икътисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича курилиши мумкин бўлган заарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида буюртмачининг рухсати билан йўналтириши мумкин;

-объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

-шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

-*пудратчи* курилиш давомида смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар берни шарт;

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш қоидалари ва месъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни *Буюртмачига* мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, транспорт воситалари, анжомлар, курилиш материаллари, буюмлар вақтинчалик бинолардан бўшатади;

-курилиш майдони қўриклини таъминлайди;

-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. *Пудратчи* мазкур шартнома бўйича барча ишларни сифатли бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

4.3. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача *пудратчи* жорий таъмирлаш ишларини бажарилишини қайд этиш дафтарини юритади. Агар буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки *пудратчининг* қайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён қиласди.

4.4. *Пудратчи* дафтарда буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

-ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган *пудратчи* томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, *пудратчидан* тугалланган ишларни, амалдаги конунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишида қабул қилиб олишни таъминлаш;

-*пудратчининг* барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

-молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига молиялаштириш манбаи бўлган маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан белгиланган ишлар қийматининг **30 фоизи микдорида бўйнак (аванс) бериш** ва ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишида ушлаб қолишини ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизигача жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

-5 кунлик муддат ичida *пудратчи* томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактураларни расмийлаштириб беришини ўз зиммасига олади. Агарда тақдим қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса уларни кўрсатган ҳолда *пудратчига* қайтариб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. *Пудратчи* мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларининг муддати бажариш жадвали бўйича амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

7.1. *Буюртмачи* *пудратчига* шартноманинг 2-иловасига мувофиқ бўнек(аванс) маблағи ўтказади.

7.2. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибида расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз ҳисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, амалга оширилади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. *Буюртмачи* объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек *Пудратчи* томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Пудратчи таъмирлаш даврида буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтнинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, обьектда иш жойи билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

8.3. Пудратчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни буюртмачига топширади.

8.4. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган холда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади .

8.5. Пудратчи ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материалари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларидан кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.6. Пудратчи ишларни смета ҳужжатларига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.7. Ёилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади.

Ёилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.8. Пудратчи буюртмачининг қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар буюртмачи тудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмирлаш тугалланган обьект буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавкулотда вазиятлар, фавкулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч, ер тебраниши, сув тошқини, қўчки ва ҳоказо) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Пудратчининг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, Пудратчидаги зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЬЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Жорий таъмирлаш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган обьектларни

фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

### 11.2. Объектда жорий таъмирлаш ишлари тугаллангандан сўнг:

1). Маҳаллий ички хўжалик йўлларини куриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказилади;

Бунда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ маҳсус лицензияга эга, лаборатория синовлари қурилиши соҳасидаги амалда бўлган меъёрий хужжатлар, қурилиши нормалари ва қоидалари бўйича фаолият юритадиган. Маҳаллий ички хўжасалик йўллари қуриш ва таъмирлаш объектларида бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг сифатини техник кузатуви ва лаборатория синовлари ўказишга ихтинослашган, кўп йиллик таэсиребага эга корхона (ташкилот, муассаса, жамият)ларнинг Лаборатория синов натижалари бўйича хуносаларини олини талаб қилинади.

2). **Бажарилган ишлар (хизматлар)ни хақиқий иш хажмини аниқлаш учун банк мутахассислари ўлчов назорати ўтказилади (ўлчов назорат харажати пурратчининг бошқа харажатлари хисобидан қопланади);**

3). Пурратчи ташкilotи томонидан тугалланган объектни қабул қилиб олиш учун тегишли хужжатларни расмийлаштиради ва буюртмачига хабарнома юборади;

4). **Ички йўлларни жойларда фойдаланишга қабул қилиши юзасидан тузилган ишчи гурух томонидан фойдаланишга қабул қилинганидан сўнг, Буюртмачи томонидан якуний хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.**

### 11.3. Пурратчи ташкilot ишчи гурухига қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкilotлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва хажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йўл-қурилиш материаллари ва йўл тўшамаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупрок жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш журнали;

- ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш “Йўл қурилиш сифат назорат қилиш” давлат инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф қилинганини тўғрисидаги далолатномалари.

11.4. Пурратчи жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ буюртмачига буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пурратчи буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.5. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўлнинг ваколатли органи балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

### 12.1. Пурратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

смета хужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-усқуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларида ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бартараф этишни;

12.2. Объектда бажарилган ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган қундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пурратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари пурратчи ва буюртмачининг икки томонлами далолатномасида қайд этилади.

Агар пурратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган қонун ва меъёрий хужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида ўрнатилган тартибда қонунни муҳофаза килувчи муассасаларга мурожаат қилиш хукуқига эга.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 13.1. *Буюртмачи:*

-шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *пудратчи* томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати *Пудратчининг* айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

-*Пудратчи* томонидан шартнома шартлари шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

### 13.2. *Пудратчи:*

-ишларнинг бажарилиши *пудратчига* боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра *Буюртмачи* томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-*буюртмачи* томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.3. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон ушбу бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Конуни ва бошқа қонун хужжатларида, ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Жорий таъмирлаш ишларини олиб бораётган *пудратчи* ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ *буюртмачи* олдида қуидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

-сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

-объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

-*буюртмачи* билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ишлари муддатларини бузилиши;

- жорий таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда *Пудратчи*, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриси;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун буюртмачи *пудратчига* кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши *Буюртмачини* шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. *Пудратчи* томонидан объективни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса, *пудратчи* *буюртмачига* муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш *Пудратчини* ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда *буюртмачи* ваколат доирасидан келиб чиқсан ҳолда «Йўлқурилишсифатнозоратқилиши» давлат инспекцияси хulosаси асосида объективни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортishi, шунингдек *Пудратчидан* сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш хукукига эга. *Буюртмачи* томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун *пудратчи* Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги 670-сонли Конунининг 26 моддасига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20%(фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

14.5. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳукуқига эга.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида эътиroz тартибига риоя қилган ҳолда, кўриб чиқилади. Эътиrozлар ёзма равища тақдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътиroz билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

16.5. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

16.6. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

16.7. Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳукуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

## XVII. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

17.1. Шартнома амал қилиш муддати: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

17.2. Мазкур шартномага қўйидагилар илова қилинади;

1-илова – Бажариш жадвали,

2-илова – Молиялаштириш жадвали.

## XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

“Тошкент вилояти минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК  
Тошкент вилояти Нурафшон шахри Бобур  
кўчаси 119 уй  
Ш/х: 304521860274017045201118194  
ИНН: 304 943 564 ОКЭД 42110  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Фазначилигининг Амалиёт Бошкармаси  
х/р 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

Директор \_\_\_\_\_ Б.Б.Нурматов

Юрист: С.Урунбаев



### ПУДРАТЧИ

Янгийўл ТИФУК  
Тошкент вилоти Янгийўл тумани,  
Бахор МФЙ. Нов қўргоги  
Х/р: 2262 6000 6001 3242 5001  
ИНН: 200 588 576 МФО: 00450  
ТИФ Миллий банк Янгийўл филиали  
ОКЭД 42110  
Тел: 55-501-78-10



Директор \_\_\_\_\_ М.М.Махмудов

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ишчилар шахарчаси  
Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш  
2022 йил " 05 " октябрдаги 2022/329-сонли шартномасига

1-илова

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**

сўм

№	Амалга ошириладиган ишлар	Йиллар	2022 йилда объект қиймати												Иш турлари бўйича умумий киймати	
			I чорак			II чорак			III чорак			IV чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	
1	Жорий таъмирлаш	2022										93 162 148			93 162 148	
<b>ХАММАСИ:</b>		2022										93 162 148			93 162 148	



РС



Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ишчилар  
шаҳарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш  
2022 йил " 05 " октябрдаги 2022/329-сонли  
шартномасига

2-илова

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар Ишчилар шаҳарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш

МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

СУМ

Молиялаштириш жадвали	Йил-лар	2022 йил											
		январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
Ажратилган аванс маблаги	2022										27 948 644		27 948 644
Ажратилган аванс маблагини инобатга олиб бажарилган ишларни молиялаштиришга ажратиладиган маблаг	2022										65 213 504		65 213 504
Жами:	2022										93 162 148		93 162 148
Жами молиялаштириладиган маблаг		93 162 148 (Тўксон уч миллион бир юз олтминиш икки минг бир юз кирк саккиз) СУМ											



7/1



7/1

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154211 на приобретение Янгийўл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 01.10.2022

Время рассмотрения 30.09.2022 14:54

Закупочная комиссия Тошкент вилояти Минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	ZAKIROV AZIZJON BAXADIROVICH	Bosh mutaxassis	"O'ZYOLINSPEKSIYA"
<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	директор	Тошкент вилояти МИБХ ДУК
<b>Секретарь комиссии</b>	URUNOV JONIBEK QOBILOVICH	Бўлим бошлиғи	Toshkent viloyati MYBX DUK
<b>Член комиссии</b>	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LΙ	Sektor mudiri	Toshkent viloyati moliya bosh boshqarmasi
<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BEXRUZZXON ISKANDAR O'G'LΙ	Yetakchi mutaxassis	Toshkent viloyati hokimligi
<b>Член комиссии</b>	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi inspektori	Toshkent viloyati soliq boshqarmasi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.10.2022 года № лота 154211.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Янгийўл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	103 396 916.00
Стартовая сумма	103 396 916.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 В. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўздан кечирганлиги ва лойиҳани ўргангандиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Қурилиш (таъмирлаш) майдонини (объектини) кўрганлиги ва ўрганиб чиқсанлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YANGIYO'L TUMAN YO'LLARDAN	2	2	2	Экспертная		
УП CHINOZ TUMAN YO'LDAN FOYDA	2	103000000	0	Экспертная		

Критерий №2 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг Машина ва механизмлар руйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун, кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги, жумладан: 1. Юк кўтариш қуввати 10 тоннадан кам бўлмаган бортли ўзиғдарувчилар- 2 дона; 2. Асфальтётқизгичкенглиги 6,5 метргача - 1 дона; 3. Ҳар хил йўл зичлагичлар - 2 дона (бир хил зичлагичлар 1 та ҳисобига саналади); 5. Автогрейдер -1 дона; 6. Ювиш машинаси- 1 дона(ижараасосидаги қурилиш техникалари баллари 30% камайтирилади). 7. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 10 бирлиқдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларининг мавжудлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YANGIYO'L TUMAN YO'LLARDAN	20	20	20	Экспертная		
УП CHINOZ TUMAN YO'LDAN FOYDA	20	103000000	15	Экспертная		

Критерий №3 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилишда иш тажрибасига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. З йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар). 3. Ишлаб чиқариш техника бўлимида З йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги.. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги.. 5. Мехнатни муҳофаза килиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YANGIYO'L TUMAN YO'LLARDAN	19	19	19	Экспертная		
УП CHINOZ TUMAN YO'LDAN FOYDA	19	103000000	16	Экспертная		

Критерий №4 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ваундан кўп.. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Ўтган йилда 100 млн. сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 100 млн. сўм. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ваундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ваундан кўп.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YANGIYO`L TUMAN YO`LLARDAN	34	34	34	Экспертная		
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	34	103000000	34	Экспертная		

Критерий №5 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни (автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш) ўз кучи билан бажариш: йилига N (N-Буюртмачи бошланғич нархининг 50% ) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдодагига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
УП YANGIYO`L TUMAN YO`LLARDAN	25	25	25	Экспертная		
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	25	103000000	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
УП YANGIYO`L TUMAN YO`LLARDAN	103 396 916.00	93 162 148.00 UZS	93 162 148.00	00.00	93 162 148.00	29.09.2022 09:36:18	30
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	103 396 916.00	103 000 000.00 UZS	103 000 000.00	00.00	103 000 000.00	29.09.2022 23:37:07	27.13461

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
УП YANGIYO`L TUMAN YO`LLARDAN	70	30	100
УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA	63	27.13461	90.13461

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154211 от 01.10.2022 года на приобретение янгийл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

УП YANGIYO`L TUMAN YO`LLARDAN  
200588576

и резервный исполнитель: УП CHINOZ TUMAN YO`LDAN FOYDA (200453508)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	NURMATOV BAHTIYOR BAXROMJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NORIMOV O'KTAM AXTAM O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ABRALOV BEXRUZZON ISKANDAR O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**154211 лот юзасидан шаклланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қиласди.

Муҳокама тугаган сана:

05.10.2022 09:29

Комиссия раиси:

NURMATOV VAHTIYOR BAXROMJONOVICH



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay ko'ch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru [www.mc.uz](http://www.mc.uz)

Holati: Ijobiy

Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH

Sana: 19-09-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 61630**

**Obyekt nomi** ««Тошкент вилояти Янгийўл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирлаш»»

**Buyurtmachi** - ДУК «Тошкент вилояти Минтакавий йулларига буюртмачи хизмати»

**Bosh loyiҳachi** - МЧЖ «RAVON LOYIHA LUX»

**Litsenziya** Узбекистон Республикаси курилиш вазирлиги АЛ-000541 04-02-2020й.

**Moliyalashtirish manbai** - Республика бюджети маблағлари хисобидан.

**Bosh pudratchi** - Танлов савдолари асосида аниқланади.

**Qurilish turi** Жорий таъмирлаш

**Murojaat raqami:** № 59340

**1. Loyihalash uchun asos**

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938- сонли қарорига асосан тасдиқланган дастлабки манзилий руйхати.
- 1.2. Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун лойиха топшириғи буюртмачи «Тошкент вилояти Минтакавий йулларига буюртмачи хизмати» томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти МЧЖ «RAVON LOYIHA LUX» томонидан 2022 йилда келишилган.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

- 2.1. Лойиха ва ижро схемаси бўйича нуқсонли далолатнома, Тошкент вилояти Минтакавий йулларига буюртмачи хизмати томонидан тасдиқланган Янгийўл шахар Ободонлаштириш бошқармаси, Ишчилар МФЙ раҳбарияти ва лойиха ташкилоти МЧЖ «RAVON LOYIHA LUX» томонидан 2022 йилда келишилган.
- 2.2. Такдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда КҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 103 396,916 минг сўм миқдорида.
- 2.3. Локал манбалар рўйхати ва зарурий манбалар рўйхати.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

- 3.1. Тошкент вилояти Янгийўл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кучаси қуйидаги параметрларга эга:
  - таъмирланаётган йўл бўлагининг узунлиги – 252,0 п.м.

- - қатнов кисмининг ўртача эни - 4,0м.
- 3.2. Тақдим этилган смета ҳужжатлари ва тасдиқланган нуқсонли далолатномада қуйидаги ишлар кўзда тутилган:
- - ҚША дан уртача текисловчи қатлам қуриш;
- -Чақиқ тошдан тўшама ётқизиш;
- -Асфальбетондан 5см қалинликда қоплама ётқизиш ва бошқалар.
- 3.3. Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003 йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004 йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".
- Ҳисоблаш ресурс усулига асосланган.
- Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидағи нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

#### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

-

#### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- Лойиха учун бошланғич харажатларни ҳисоблаш учун топшириғи, объектдаги нуқсонли далолатнома ва ижро этувчи схема буюртмачи Тошкент вилояти Минтакавий йулларига буюртмачи хизмати томонидан 2022 йилда тасдиқланди.

#### **6. Ekspertiza natijalari.**


- 5.1. Тақдим этилган ҳужжатларни локал хulosалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди.
- 5.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 103 396,916 минг сўмни ташкил этди.
- Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 19,0% миқдорида қабул қилинди.
- 5.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.
- 5.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.
- 5.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибида мувофиқлаштириши керак.

#### **7. Xulosalar.**

- 6.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра «**Тошкент вилояти Янгийўл шахар Ишчилар шахарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмиrlash**» экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 103 396,916 минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.
- Экспертиза натижалари билан белгиланадиган тавсия этилган харажат шартнома тузиш учун асос эмас.
- 6.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йил 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022

йилдаги №46-сонли қарорига асосан танлов савдо натижалариға күра ишларнинг қиймати амалдаги мөъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

**Bosh mutaxassis:** ABDUVALIYEVA NARGIZA ANARBAYEVNA



"Ташкент шаҳри ташаббуси  
Тошкент вилояти юримаси  
ўринбосари"

Ш.Махмудов

2022 й.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПК 4938-сизли карори хамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2022 йил 25-августдаги "2022 йил учун Тошкент вилояти маҳаллӣ бюджети таърихи" га VI-58-126-10-0-к/22-сизли карорига мувоғиғ Тошкент вилояти худудидаги иччи хўжалик автомобиль йўлларини маҳаллӣ бюджет маблаглари хисобидан жорий таъмирилаш ишлари бўйича 2022-йил учун

**МАНЗИЛЛИ РЎҲХАТИ**


(26.08.2022 йаъуда тасдиқланган манзилини дастурга кўнгилча)

МОЛН. СЕМ

Т/Р	Объектлар номи ва манзили	2022 йил режаси											2022 йилда ишга туширилиши					Пардат кўнгинин танинчлагандар		
		Шу жумладан			Буюртмачининг бошка харажатлари															
		Жами маблаглар лимити	КМИ	Жикозар	Жами	Пулнани буюртмачининг сенканинг харажатлари	Куввати ва муддати	Асосий фонлар	Объектни сезихе ишга ўтказишни 01.01.2023 йилга көлган кийинин, шу жумладан буюртмачининг бинояни мурожаатлари	Объектни сезихе ишга ўтказишни 01.01.2023 йилга көлган кийинин, шу жумладан буюртмачининг бинояни мурожаатлари										
1	Корабоғ МФЙ Корабоғ кўчасини жорий таъмирилаш	2022 й.	0,200																	
2	Тошкент вилояти бўйича жами:			2 724,092	1 976,447	1 976,447	1 976,447	3 152,919	1 890,653	146,433	109,250					488,510	488,510			
				110,014	85,794	85,794	85,794													
	<b>Шундан:</b>																			
	Жорий таъмирилаш			7,852	2 724,092	1 976,447	1 976,447	3 152,919	1 890,653	146,433	109,250					488,510	488,510			
					110,014	85,794	85,794													
	Таксимланмага и лимит																			
	7045-бўлим, 201-кичик бўлим, 118-боб																			
	Ангурен шаҳар																			
1	Охангарон шаҳар																			
1	Янгиюбод МФЙ Янгиюбод кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	0,900	355,753	108,072	108,072	108,072	108,072	108,072							51/8п-2021-И	26.04.2021 й. от 05.04.2021 й.	Охангарон ТЙФУК		
	Чирчик шаҳар																			
1	Дўстлик МФЙ Пўнкини кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	0,300	205,441	\$5,703	55,703	55,703	55,703	55,703							51/1п-2021-И	26.04.2021 й. от 05.04.2021 й.	Киброй ТЙФУК		
2	Гулзор МФЙ А.Қодирий кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	0,164	66,336	14,634	14,634	14,634	14,634	14,634							51/10п-2021-И	26.04.2021 й. от 05.04.2021 й.	Киброй ТЙФУК		
3	Х.Максулов МФЙ Задар кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	0,400	222,957	48,061	48,061	48,061	48,061	48,061							51/12п-2021-И	26.04.2021 й. от 05.04.2021 й.	Киброй ТЙФУК		
4	Мирзо Ролён МФЙ Кипчок кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	0,140	90,896	21,121	21,121	21,121	21,121	21,121							51/13п-2021-И	26.04.2021 й. от 05.04.2021 й.	Киброй ТЙФУК		
	Янгиюл шаҳар																			
1	Олмол МФЙ Гулобод ўтиш кўчасини жорий таъмирилаш	2021-2022 й.	1,048	247,360	193,506	193,506	193,506	193,506	193,506							78/2п-2021-И	26.04.2021 й. от 14.04.2021 й.	Янгиюл ТЙФУК		
					2,902															
2	Лаззат МФЙ Махала гузари худудига олиб борувчи йўлнин жорий таъмирилаш	2022 й.	0,150							106,800			6,942	4,806					Тандов асосида	
3	Файзали МФЙ 9-мактаб худудига олиб борувчи кўчани жорий таъмирилаш	2022 й.	0,140										94,200						Тандов асосида	
4	Рамадон МФЙ 3-мактаб худудига олиб борувчи кўчани жорий таъмирилаш	2022 й.	0,135	72,941	72,941	72,941	72,941	72,941	68,412		4,529	3,079		0,135			№ 61077 14.09.2022 й.	№ 154197 01.10.2022 й.	Янгиюл ТЙФУК	
5	Мустакиллик МФЙ Узмазор кўчасини жорий таъмирилаш (1-сонли мактабга олиб борувчи кўча)	2022 й.	0,095	73,639	73,639	73,639	73,639	73,639	68,470			5,169	3,081		0,095			№ 61628 19.09.2022 й.	№ 154284 01.10.2022 й.	Янгиюл ТЙФУК
6	Ишчилар шаҳарчаси Кармисов кўчасини жорий таъмирилаш	2022 й.	0,252	99,942	99,942	99,942	99,942	99,942	93,162			6,780	4,192		0,252			№ 61630 19.09.2022 й.	№ 154211 01.10.2022 й.	Янгиюл ТЙФУК
7	Нов МФЙ 35-мактаб худудига олиб борувчи кўчасини жорий таъмирилаш	2022 й.	0,100							59,100			3,842	2,660					Тандов асосида	

(26.08.2022 жылда тасымалданган машиның деңгээлдээс күнненчөрөн)

Т/Р	Объекттар номи жана манзили	Күрөштүрмөнгө болуппен ва тұтаданыш тәсіл	Лойханый күвваты, тегимнүү үйүн бүркіткесарлар (бембет)	2022 жыл ректеси								Гүлдеген күнненчөрөн
				Ша жумладан				Бюортмачининг башка харажатлари				
				Жами маблайлар лимити	КМИ	Жылдар	Жами	Шулдан бюортмачин сияктында	Күввати ва муддати	Асосий фонлар	Гүлдеген күнненчөрөн	
	7045-бүлім, 204-күнчек бүлім, 118-бөб											
	Бұқа тұмани											
1	Ибраг МФЙ Шодлик күчесі (54- мактабдан бүрілген күйчесинің жорий тағымирлаш	2022й	0,300									
	Чиноз тұмани											
1	Сұтчилар МФЙ Мәмбіріфат күйчесинің жорий тағымирлаш	2022й	0,257	132,228 7,596	132,228 7,596	132,228 7,596	132,228 7,596	188,422	10,363	8,479		
2	Чинмасжд МФЙ Бөгбөн күйчесинің жорий тағымирлаш	2022й	0,150									
3	Самарқанд МФЙ Самарқанд 4- тор күйчесинің жорий тағымирлаш	2022й	0,250	135,065 8,101	135,065 8,101	135,065 8,101	135,065 8,101	55,000	3,575	2,475		
	Янгынайыл тұмани											
1	Коратепе МФЙ Төшкент шаң күчесі	2022й	0,383	197,807 11,090	197,807 11,090	197,807 11,090	197,807 11,090	197,807	186,717	11,090	8,402	0,383 IV-чорак
2	Фарован МФЙ Ш.Рашидов күчесі	2022й	0,856	399,831 20,747	399,831 20,747	399,831 20,747	399,831 20,747	399,831	379,084	20,747	17,059	0,856 IV-чорак
3	Янгынайыл тұмани прокуратурасы (автогуардох билан) худуди	2022й	0,121									
4	Гүлбахор шаҳарчаси Ешилик күчесі (кенгайтирилған Ыұл)	2022й	0,661	423,897 21,782	423,897 21,782	423,897 21,782	423,897 21,782	423,897	402,115	21,782	18,095	0,661 IV-чорак
5	Пахта МФЙ Янгисөбод күйчесинің жорий тағымирлаш	2022й	0,850									



" — 2022 ж.

Гүлдеген күнненчөрөн

Гөнешер салындырылған бейнесінен  
тасымалданғанда санаға рахам

Келишийде

Төшкент вилюяті хокимлігі  
Молия баш башкармасы  
бөлімшесі

О.Холиколов